

ЧЎЛПОН МАКТУБЛАРИ ВА ЯНГИ ТОПИЛГАН ЁЗИШМАЛАРИ ТАДҚИҚИГА ДОИР

Дилдорахон Зумратбековна Абдуллаева

Андижон давлат университети доценти, филология фанлари доктори

Искандаршоҳ Абдулвосит ўғли Мадгазиев

Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек жаҳид шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг бошқа жаҳид адиблар билан ёзишмалари, мактублари адабиётшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Илгари маълум бўлмаган Чўлпон мактублари ҳақида ҳам илк марта маълумот берилади.

Калит сўзлар: эпистоляр адабиёт, хат турлари, адабий хатлар, Чўлпон мактублари, жаҳидчиликда хатлар адабий манба сифатида.

ABSTRACT

The article is about the Uzbek Jadid poet Abdulhamid Sulaymon oglu Cholpon correspondence with other serious writers, letters are analyzed from a literary point of view. For the first time, information about previously unknown Cholpon letters is also given

Keywords: epistolary literature, types of letters, literary letters, Cholpon letters, letters in jadidism as a literary source

КИРИШ

Бадиий ёки публицистик асарларнинг хат шаклида оммалашishi дастлаб қадимги юнон адабиётида учрайди. Юнонча «epistole» сўзи хат, мактуб, мурожаат, йўлланма маъноларини англатиб, икки шахс ўртасидаги ёзишмани билдиради. Ижодкорларнинг ўзаро ёзишмалари ҳам адабий ёки публицистик асарга тенглаштирилади. Қадимги юнон адабиётида хат шаклида ёзилган бадиий асарлар шахсий хатлардан тузилиши, мазмуни, услуби ва бошқа хусусиятларга кўра фарқ қилган. Хат шаклидаги асарларнинг “эпистоляр адабиёт” номи билан юритилишининг сабаби ҳам шундаки, ижодкорларнинг адабий-танқидий қарашлари, адабий жараён ҳақидаги фикрлари акс этган. Шарқ адабиётида, хусусан



ўзбек адабиётида хатлардан иборат асар “муншаот” деб юритилган. XX аср ўзбек жадид адабиётида ҳам хат, мактуб орқали ижтимоий, адабий масалаларга муносабат билдириш оммалашди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаётлик даврида Исмоил Гаспиринский, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мавлавий Йўлдош каби адиблар, шунингдек И.Ғозиев, Шарофиддин Салоҳиддин ўғли каби журналист ва ноширлар, ўз яқинлари билан ёзишмалари ҳамда таҳририятга, уюшмаларга мурожаат қилиб ёзган мактублари адабиётшунослигимизда қисман ўрганилган. Профессорлар Н.Каримов [6,7,8,9], Б.Каримов [10], фан номзодлари А.Мадаминов [11], Р.Тожибоев [11,13], О.Жўрабоев [4], Т.Зуфаров [5]лар матбуотдаги чиқишларида ва китобларида ушбу масалага эътиборини қаратганлар. Мазкур мақолаларда муаллифлар Чўлпоннинг айрим мактублари шарҳига тўхталиб, баъзан ўша хат матнини ҳам эълон қилганлар. Чўлпоннинг жадид адибларга ва бошқа зиёлиларга битган мактубларини тизимли ўрганиш, унинг жадид ғояларини муфассал тасаввур қилишда, адабий-танқидий қарашларини тадқиқ этишда муҳим ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Муайян ижодкорнинг яратган бадиий асари ўз ўқувчисига қаратилган мурожаати деб англаш мумкин. Чунки ёзув воситасида киши ўз фикр ва ғояларини иккинчи кишига, яъни қабул қилувчи, реципиентга етказди. Шу боис ижодкор бадиий устахонасидаги ҳар бир хат, хабар, кичик ахборот-маълумотлар ҳам унинг бадиий олами ва дунёқарашини англашда аҳамият касб этади. Чўлпон қаламига мансуб ва унга жавобан ёзилган хат, қисқа хабар, маълумот, мурожаат шаклидаги ёзишмалар мазмуни, композицияси, услуби жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Қисқа қайддан иборат хабар хатлар, очиқ хатлар, мурожаат мазмунидаги хатларда Чўлпоннинг ижтимоий масалаларга муносабати ҳамда адабий-танқидий қарашлари акс этади. Шуниси муҳимки, муайян шахсларга қилган мурожаат хатларида ҳам адибнинг ижтимоий ҳаёт масалаларини жадид зиёли нигоҳи нуқтаи назаридан кўришининг гувоҳи бўламиз. “Бошқармага хат”, “Маскавдан хат”, “Чоржўйдан хатлар”, “Муҳтарам ёзгучиларимизга”, “Очиқ хат”, “Эътироз”, “Инқилоб идорасига хат”, “Андижондан мактуб” номли мактуб-мақолаларида Чўлпоннинг сиёсий-ижтимоий, адабий-

танқидий қарашлари акс этади. Шунингдек унинг ўз даврида турли зиёли шахслар билан ёзишмалари ҳам унинг таржимаи ҳолини ва ижодий биографиясини ўрганишда муҳим ҳисобланади. Қуйида Чўлпоннинг И.Гаспиринский, Ҳамза, Мавлавий Йўлдош, Шарафиддин Салоҳиддин ўғлига ёзган мактублари ва Андижон вилоят давлат архивидан яқинда топилган мурожаат-мактубларини таҳлил қилмоқчимиз.

1. Чўлпоннинг Исмоил Гаспиринскийга ёзган “Андижондан ўлан савола жавоб” номли хат “Таржимон” газетасининг 1913 йил 27 ноябрь сонидан чоп этилади. Уни профессор Б.Каримов жамоатчиликка илк бор эълон қилган эди. (Сулаймонзода Абдулҳамид Юнусов) // Таржимон. – 1913. – 27 ноябрь; // Гулистон. – 2000. – № 3 (Б.Каримов т-ган); // Гаспиринский И. Ҳаёт мамот масаласи. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 122-123.

Хатдан аввал Андижонга берилган таъриф ўқувчи эътиборини тортади: “Андижон собиқ Хўқанд хонлигининг муҳим шаҳарлариндан бири”, “Фарғона ўбластининг уязди маркази” дейилган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “ҳинд мўғул давлати олиясининг бонийси қаҳрамон ва адиб султон” деб тавсиф берилади. Чўлпон Гаспиринскийга мурожаат қиларкан, ўрта аср адабиётини айни замондаги адабиётга қиёслайди. Чўлпоннинг “Шалола”, “Турк юрди”, “Шаҳбал”, “Таржимон”, “Вақт”, “Иқбол” каби жаҳид матбуотларини ўқиши, Мирзо Бедил ва Ҳофизларни ўқимаслиги кишилар томонидан танқид қилиниши айтилади. Бу саволга жавоб бор бўлса, “Таржимон” газетасида берилсин ёки жавоби бўлмаса, Чўлпоннинг “бутун янги адабиётни сувга, оташга отуб” Бедил ва Ҳофизларни ўқишга ўтиши таъкидланади. Бу ўринда таъкидлаш ўринлики, Чўлпон ўтмиш адабиёти шакл ва услубларининг замонадаги ўзгаришларни акс эттира олмаслигига ишора қилади. Бироқ унинг мумтоз адабиётни инкор қилди деб тушунмаслик керак. Чўлпонга ёзилган И.Гаспиринскийнинг жавобидан ҳам шу мазмун кўринади. Мирзо Бедил, Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз ҳақида у “асри ҳозира доир бир сўз сўйламамишлардир”, “Замонамизнинг тижоратиндан, рақобатиндан, идорасиндан, сиёсатиндан, эҳтиёж ва заруратиндан, урушмасиндан, талашмасиндан хабар ва маълумот Мирзо Бедилда ёки Хўжа Ҳофизда бўлинмас” дейди. И.Гаспиринскийнинг бу сўзлари Чўлпоннинг “Ўзимнинг йўлсизлигимдан бироз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил... Кўнгил бошқа нарса қидирадир. Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқийман: қувонтирадир,

холос! Улар менинг учун ёнғон чироқлар бўлса ҳам, менинг эртам учун!” [17;12] каби фикрларини ёдга солади.

2. Чўлпоннинг иккинчи мактуби 1916 йил 6 декабрда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга ёзилган бўлиб, А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи “Ҳамза архиви” № 695 да сақланади. Мазкур манбаларда ҳам ушбу хат билан боғлиқ маълумотлар мавжуд: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. 3 томлик. II том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 23-24; // Каримов Н. Чўлпон. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 53; // Водийнома. – 2018. – № 3. – Б. 11 (О.Жўрабоев т-ган); // "Чўлпон ва унинг адабий мероси". – Т.: "Mumtoz so'z", 2018. – Б. 73-74 (О.Жўрабоев т-ган). Мазкур хатда Чўлпон Ҳамзага “илтимос қиламан, ушбу хатни олув билан тезлик ила “Садои Туркистон”нинг биринчи ададиға бир яхши шеър, ғазета хусусинда ёзуб юборинг” деб мурожаат қилади [4].

3. Учинчи мактуб шу йили 12 декабрда яна Ҳамзага ёзилган. Ҳамза Ҳакимзодага мактуб (1916 йил, 12 декабрь) (А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи “Ҳамза архиви” № 696); Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. 3 томлик. II том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 24; // Водийнома. – 2018. – № 3. – Б. 11-12 (О.Жўрабоев т-ган); // "Чўлпон ва унинг адабий мероси". – Т.: "Mumtoz so'z", 2018. – Б. 75-76 (О.Жўрабоев т-ган). Бу пайтда Чўлпон Андижонда “Туркестанский голос” газетасида ишлар эди. 1916 йилда Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев билан тўхтаб қолган “Садои Туркистон”ни қайта чиқармоқчи бўлишади. Шунга 1-номер учун материаллар йиға бошлашади. Хат шу муносабат билан ёзилган ва газета учун у Ҳамзадан шеър ва мақолалар юборишини айтган. Мазкур хатда Ҳамзанинг шеъри газетада чоп этилиши ҳамда “Кўрқув йўқди мажозий кўмгандан, Ишончлар кўб эрди (ўғон)дан...” “Мовари ғайрдан бурар пистон...” деб ёзилган ўринларни шарҳлаб тушунтириб бериши сўралган. Чўлпон Ҳамзадан “тушма тўрига”, “ганжи ўзбай” сўз бирикмаларининг маъносини ҳам ёзиб юбориши кераклигини таъкидлайди.

4. Чўлпоннинг Ҳамзага ёзган учинчи мактубига 1926 йил 8 июль санаси кўйилган. Бу уб ҳақидаги манбалар: Ҳамза Ҳакимзодага мактуб (1926 йил, 8 июль) (А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи “Ҳамза архиви” № 1409) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989. – 19 май (М.Олимов т-ган); Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. 3 томлик. II том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 382-383; // Каримов Н. Чўлпон. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 304. Мазкур хат Миршоҳид Мироқилов, Абдулҳамид Чўлпон, Маннон Уйғур томонидан алоҳида алоҳида тарзда бир вараққа битилган бўлиб, улар Фарғонада эканида Ҳамза Аввал қишлоғида

бўлади. Шунинг учун улар Ҳамза билан кўришиш ниятида унга хат ёзадилар. Чўлпон хатида Москвадаги ўзбек театр труппаси билан Марғилон ва Симга келганлари, келаси йилда труппа фаолияти тугаб, сўнгра ўзбек театри тузилиши ҳақида Ҳамзага маълумот беради. Кейинги жумлаларда эса Чўлпоннинг Ҳамзадан сахна асари ёзишини кутгани маълум бўлади: “Шуни назарда тутиб Сизнинг қаламингизга барака тилайман. “Опера” ёки “оперетта” ёзинг демайман. У иш – дохийларнинг иши. Вақтида балки ёзарсиз-да, ҳозирга драм, чолғили драм ва комедиялар ёзишингиз лозим”. Чўлпон томонидан Ҳамзанинг қаламига “такрор барака тилаш”и шоирнинг сахна асарларини ёзишга ундаши, даъват қилиш мақсадида эди.

5. Чўлпон 1919 йил 15 июнда Мавлавий Йўлдошга ёзган 2 та мактуби. Мавлавий Йўлдошга мактуб (1919 йил, 15 июнь) // Қишлоқ ҳаёти. – 1997. – 2 декабрь (А.Мадаминов ва Р.Тожибоевлар т-ган). Мавлавий Йўлдошга мактуб (1919 йил, 14 июль) // Қишлоқ ҳаёти. – 1997. – 2 декабрь (А.Мадаминов ва Р.Тожибоевлар т-ган). Бу ҳақида Р.Тожибоев маълумот бериб, ҳар икки мактуб ҳам 1919 йилда ёзилгани, биринчи мактубда Мавлавий Йўлдошдан мактуб олган Чўлпоннинг мамнунлиги билдирилади ва Андижонга таклиф этилади. Иккинчи мактуб форс тилида битилган. Мақолада келтирилишича, “бу хат Мавлавий домла мактубига жавоб тарзида битилган. Унда ўша йиллардаги оғир ҳаётнинг акс садоси бор. Фуқаролар уруши авж олган 1919 йил Туркистон, айниқса, Фарғона водийси халқи учун ниҳоятда оғир келган эди”. Шунинг учун ҳам Чўлпон хатда “Андижоннинг аҳволи ниҳоятда ланж. Тирикчилик ҳам ланжлик билан ўтяпти” деб ёзган экан.

6. Андижон вилоят давлат архиви фондида яқинда топилган Чўлпоннинг Андижон уезд ҳарб-инқилобий кўмита раиси Исҳоқ Ғозиевга ёзган мактубида Самарқанддаги институтда ўқийдиган андижонлик талаба Аҳмедовга Вақф шўъбаси (Чўлпон 1923 йил октябрь ойи давомида “Вақф шўъбаси”да ишлаган) томонидан ёрдам берилгани, энди эса унинг поездда бепул кетиши учун ёрдам бериш зарурлиги сўралади. Чўлпон томонидан бу йигитнинг “қобилияти, ахлоқи, ўқуши ва ҳаракати жойида. Фақат ёрдам лозим”лиги таъкидланади. “*Ўртоқ Ғозиев! Ўртоқ Камаев ва Холботировларнинг сўрашлари бўйинча Вақф шўъбаси томонидан Самарқанд институтида ўқугучи ушбу андижонлик Аҳмедов ўртоққа бир оз ёрдам берилди. Энди бу боланинг поездда бепул кетиши учун ёрдам қилмогингизни сиздан сўраб қоламиз. Ҳарбий идораларидан бирарта литер олиб бермак имкони бўлса керак. Бу ўртоқнинг қобилияти, ахлоқи, ўқуши ва*



ҳаракати жойида. Фақат ёрдам лозим. Сизга ҳурмат билан Вақф шўъбасидан (имзо) А.Сулаймон. 14.10.23 й. [2;387а-б]. Мазкур хатнинг орқасида “Отдел народного образование выдайте соответствующие документы на право проезда до Самарканда бесплатно” деб резолюция қўйилган. Шу маълумотга кўра Чўлпоннинг ёрдам ҳақидаги мурожаати қондирилганини билиш мумкин.

7. Исҳоқ Ғозиевга ёзилган яна бир қисқа хатда Қўқондан келган талабалар етти киши экани, уларни суриштириб, бир нарса бериб юбориш кераклиги, бу борада Чўлпоннинг ўзи “ожизликнинг ниҳоятдан” талабаларни Исҳоқ Ғозиевга юборгани айтилади. “Ўртоқ Ғозиев! Хўқондан келган талабалар 7 кишимиз дедилар, суруштуруб, сўнгра бир нарса бериб юбориш керак эди. Мен ўзим ожизликнинг ниҳоятдан сизга юбордим. (имзо) Ҳамид Сулаймон. 20.06.1923. [1;573 б].

Ушбу қисқа қайдлардан ҳам Чўлпоннинг талаба ёшларнинг таълим олишига жиддий эътибор қаратгани, уларга моддий ва маънавий томондан амалий ёрдам берганини таъкидлаш мумкин.

8. Чўлпоннинг турли муносабат билан яқинлари, танишлари, дўстларига ёзган шеърӣ мактублари ҳам алоҳида диққатга сазовор. Шундай иккита шеърӣ мактуб Шарофиддин Салоҳиддин ўғлига ёзилган. Муаллиф унда ўз дил изҳорлари ва дардларини ошкора билдирган.

Дил дафтарида аламдан ўзга

Бир ҳарф бўлурми номламоққа?

Илҳом ариғи қуриб ётибдир,

Йўқ ҳафсала ани ковламоққа.

Мазкур шеърӣ мактуб 1932 йилда ёзилган бўлиб, бу пайтда қатағон қиличи Чўлпоннинг боши устида сермаб турган, ижод эркинлиги сиқув остига олинган дамлар эди. Шоир бундай ҳолатни “илҳом ариғи қуриб ётибдир”, “ҳафсала йўқ уни ковламоққа” деб тасвирлайди. Кейинги ўринда эса шоирнинг ижод қилишга иштиёқи баландлиги, бироқ “ўзгаларнинг лойламоғи”, “кўнгил тунд бўлиб бузилиб, эски сирқироққа” тушишидан хавфсираётгани маълум бўлади:

Ковлаб ани гар равона қилсам,

Бошлар ўзгаларким лойламоққа.

Кўнгул яна тунд бўлиб бузулгач,

Тушгай яна эски сирқироққа [16].

Ушбу шеър бандлари мазмунига ҳамоҳанг парчани Чўлпоннинг синглиси Фоиқа ая ўз хотираларида қуйидагича

келтиради: “Тахминан, 1932 йили бўлса керак, акам Москвадан бир таниши орқали конфетлар солинган чиройли учта темир қутичани бизга, Андижонга совға қилиб жўнатади. Совға билан бирга шеър ҳам йўллайди:

Конфетларин олмангиз санокқа,

Қуйманг уни меҳмону қўноққа.

Аммо қутиси жуда чиройли,

Арзийди саройга-ю равоққа.

Оз бўлса — кўп ўринда созодир,

Чунки акангиз — ҳамиша қоққа.

Мактуб сўнгида эса ҳазил-мутойиба аралаш:

Илҳом ариғи қуриб ётибдур,

Йўқ ҳафсала уни кавламоққа.

Гар бўлса агар қирқ тўртинчи,

Тўғри келар бу тўнкадай оёққа, —

деб қўйган” [17;195]. Шарофиддин Салоҳиддинга ёзилган шеърини мактуб билан Фоика ая эслаган шеър аслида битта матн бўлиши ҳам мумкин. Асосийси бу парчалардан 1932 йиллардаги Чўлпоннинг ижодий кайфияти, изтироблари, шунингдек адабий жараёнга муносабатларини ҳам англаб олиш мумкин.

ХУЛОСА

Маълум бир шоир, ёзувчи, умуман бадиий ижод билан шуғулланувчи шахсининг таржимаи ҳоли, асарлари биографияси, адабий-танқидий қарашларини ўрганишда унинг хатларини тадқиқ этиш муҳимдир. Ижодкорларнинг ўзаро ёзишмалари, адабий мактублар, шеърини хатлар муайян давр адабий муҳитини ҳақида ҳам маълумот бера олади. Мактублар шахсий ёзишмагина бўлиб қолмай, ижодкорларнинг адабий-танқидий фикрларини акс эттирувчи шаклдир. Чўлпон таржимаи ҳоли, ижодий биографиясини муфассал ёритишда унинг ижодий мактублари аҳамиятга эга ҳисобланади. Адабий мактублар ва хат-мурожаатларда шоир Чўлпоннинг ижодий кайфияти, адабий жараёнга, ижтимоий-сиёсий воқеаларга ва таълимга бўлган муносабати ҳамда адабий-танқидий қарашлари ифодаланган. Чўлпон мактублари ижодкор бадиий оламини кашф этишда зарур манба сифатида ўрганиш келгусидаги вазифалардан биридир.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ- 2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва

мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

REFERENCES

1. Андижон вилоят давлат архиви. 90-фонд, 1-рўйхат, 180-рақамли иш, 573 б.
2. Андижон вилоят давлат архиви. 128-фонд. 1-оп. 68-йиғмажилд. 387а-б.
3. Гаспиринский И. Ҳаёт мамот масаласи. – Тошкент: Шарқ, 2006.
4. Жўрабоев О. Чўлпоннинг икки мактуби матни хусусида // "Чўлпон ва унинг адабий мероси". – Т.: "Mumtoz so'z", 2018. – Б. 73-74.
5. Зуфаров Т. Нодир дастхатлар // Совет Ўзбекистони санъати. – 1988. – № 3.
6. Каримов Н. Шоирнинг шеърий мактублари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 8 август.
7. Каримов Н. Шоирнинг номаълум шеъри // Жаҳон адабиёти. – 1997. – № 1.
8. Каримов Б. Даҳа гўзал битиклар. Чўлпон ва Гаспиринский // Гулистон. – 2000. – № 3.
9. Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
10. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
11. Мадаминов А., Тожибоев Р. Номаълум мактублар // Қишлоқ ҳаёти. – 1997. – 2 декабрь.
12. Сулаймонзода Абдулҳамид Юнусов. Андижондан ўлан савола жавоб // Таржимон. – 1913. – 27 ноябрь.
13. Тожибоев Р. Чўлпон ва Мавлавий Йўлдош // “Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси” республика илмий-амалий анжумани материаллари (Андижон, 2000 йил, 2-3 июнь). – Андижон: 2000. – Б. 15-16.
14. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. 3 томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1991.
15. Чўлпон А. Гўзал Туркистон. – Т.: Маънавият, 1997.
16. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016.
17. Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 240 б.